# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 2 март, № 43 (6478) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## 2 МАРТ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИГА АЪЗО БЎЛГАН КУН

Бугун мамлакатимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинганига 24 йил тўлди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон мазкур ташкилот Низомида белгилаб қўйилган халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари, хусусан, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, миллатлар ўртасида дўстлик ҳамда ҳамжиҳатлик муносабатларини қарор топтириш, иқтисодий, ижтимоий, маданий муаммоларни ҳал қилишда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш каби умумий мақсадларга эришишда фаол ҳаракат олиб бормоқда.

# ТАРАҚҚИЁТ ВА МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Бинобарин, Конституциямизнинг 17-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ўзга давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ҳамда нормаларига асосланади.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари ўтган давр мобайнида тўрт маротаба БМТ минбаридан туриб, халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни кўтариб чиқди. Хусусан, 2010 йилнинг 20 сентябрида Бош Ассамблеянинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида Президентимиз томонидан мамлакатимизда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида амалга оширилган ишлар, Марказий Осиёдаги жараёнлар, минтақавий хавфсизлик ҳамда экология муаммолари, Афғонистон можароси ва уни ҳал этиш йўллари ҳақида билдирилган фикрлар ҳамда илгари сурилган таклифларни мажлис иштирокчилари катта қизиқиш билан қабул қилган эди. Булар халқаро ҳамжамият томонидан амалиётга кенг татбиқ этилмоқда.

Бугунги кунда ушбу ташкилот билан Ўзбекистон ўртасида ўзаро манфаатли ҳамда ишончли ҳамкорлик муносабатлари изчил ривожланиб бораяпти.

(Давоми 2-бетда).

# Баркамол авлод тарбияси

маҳалла маслаҳатчилари фаолиятида устуворлик касб этади

Оилаларни мустаҳкамлаш, уларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёшларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, хотин-қизларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш, илғор ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, умуман, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳамда демократик янгиланишларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаол қатнашмоқда.

### КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Айниқса, Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига биноан фуқаролар йиғинларида ташкил этилган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг бу борадаги самарали ишлари эътиборга моликдир.

Аввал хабар қилинганидек, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Тошкент ислом университети ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар билан ҳамкорликда жойларда маҳалла маслаҳатчилари учун ўқув-семинарлари юқори савияда ўтказилди.

Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда уюштирилган мазкур тадбирларда маслаҳатчилар фаолият йўналишларига доир вазифаларни янада самарали йўлга қўйиш, илғор иш услубларини ўрганиш ва амалиётда қўллаш борасидаги билимларини мустаҳкамлаб, ўзаро билим ҳамда тажриба алмашишди.

**Қашқадарё вилояти**да бўлиб ўтган семинарда маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда маслаҳатчиларнинг ўрни ва ролини ошириш, фуқаролар йиғинлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича жамоатчилик комиссиялари, профилактика инспекторлари билан ҳамкорликни кучайтириш, ёш авлодни соғлом ҳамда баркамол этиб тарбиялаш, уларни ёт ва бузғунчи ғоялардан асраш, қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа вазифаларни самарали бажаришда ваколатли давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

(Давоми 2-бетда).

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади



# Қонунларни ижрочиларга етказиш самарадорлигини ошириш — долзарб вазифа

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан қонунларни ижрочилар ҳамда аҳолига етказишнинг самарали усулларини жорий этиш масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил қилинди.

Парламент аъзолари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар, олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот институтлари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган тадбирда қайд этилганидек, мамлакатимизда қонунчиликни либераллаштириш, инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоялаш, жамиятда қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш, демократик ислоҳотларни ҳаётимизга жорий қилиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида изчил ислоҳотлар олиб борилаяпти.

Шуни айтиш жоизки, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги, “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир. Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши қонунларни ижрочилар ҳамда аҳолига етказишда муҳим воситага айланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларидан иборат ва интернет тармоғида ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган “Lex.uz” — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг миллий маълумотлар базаси яратилди. “Norma” ва “Yurida” дастурлари бутун юртимиз ҳудуди бўйлаб аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, давлат тузилмалари орасида ҳуқуқий ахборот тарқатишда муҳим роль эгаллаяпти. Бундан ташқари, расмий нашрлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг сайтларидан ҳам самарали фойдаланилаётир. Телевидение ва матбуотда махсус кўрсатув ҳамда материаллар бериб борилмоқда.

Парламент палаталарининг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида Олий Мажлис палаталарининг қонунчилик фаолиятини тартибга соладиган ҳуқуқий ҳужжатларда қонунларни ижрочиларга етказиш ва шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ҳамда амалга ошириш самарадорлигини, албатта, ўрганишни ва шу асосда парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастурларига зудлик билан тузатишлар киритишни кўзда тутадиган меъёрий-ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш — долзарб вазифага айланиши даркорлиги белгилаб берилган эди. Бугунги кунда қабул қилинаётган қонунлар одамлар ҳаётига, сиёсий, иқтисодий тараққиётга қандай таъсир кўрсатаётгани ҳақида жойлардан келиб турадиган, парламентга ўз фаолиятини янада такомиллаштириш имконини берадиган ахборот алмашиш механизмини кучайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар белгилаб олинган.

— Давра суҳбатида қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочилар ҳамда аҳолига етказишга доир долзарб масалалар таҳлил қилиниб, хорижий ҳуқуқий амалиёт билан қиёсий ўрганиш асосида мазкур соҳани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича айрим фикр ҳамда таклифлар ишлаб чиқилди, — деди Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси И. Каратаев. — Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, парламент юқори палатаси қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, бунда жойлардаги сенаторлар ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолияти самарадорлигини юксалтириш бўйича тизимли ишларни амалга ошираяпти.

(Давоми 2-бетда).

### ЭҲТИРОМ

Ҳар йилнинг 1 марти юртимизга фасллар келинчаги саналмиш баҳор кириб келганидан дарак бериши билан бирга, шу куни мамлакатимизда садоқат ва вафо куйчиси, Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллуд топган сана сифатида ҳам кенг нишонланади.

# Муҳаббат ва ҳаёт куйчиси

Анъанага мувофиқ, кеча пойтахтимизда ардоқли шоира ҳайкали ўрнатилган хиёбон байрамона тус олди.

Бу ерда шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, Хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ЁИҲ, маҳалла фаоллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, ёшлар, жамоатчилик вакиллари иштирокида “Зулфия доимо эъзозда” деб номланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси М. Аҳмедов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Абдураҳимова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳада изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида инсон манфаатларини таъминлаш, айниқса, ёш авлод маънавиятини янада юксалтириш мужассам эканлигини таъкидладилар. Чунончи, миллий адабиётимиз равнақига, ижодкор зиёлиларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик бунинг яққол исботидир.

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 31 октябрдаги қарорига кўра, ўтган йили республикамизда Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланди. Хусусан, шоиранинг “Хотирам синиқлари” достони асосида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда спектакль саҳналаштирилди. Ижодкор шеърларидан иборат назм гулдастаси инглиз, қорақалпоқ, корейс тилларида нашр этилди. “Зулфия замондошлари хотирасида” китоби чоп қилинди. Интернет тармоғига киритилган www.zulfiyaxonim.uz сайти бугунги кунда шоира ижодининг мукаммал электрон мажмуасига айланди.

(Давоми 3-бетда).

# Кўркам қиёфа, қулай инфратузилма

Тошкент шаҳар ҳокимлигида “Тошбозорсавдо” уюшмаси билан ҳамкорликда жорий йилда пойтахт бозорларида олиб бориладиган қурилиш ва реконструкция ишларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

### БУНЁДКОРЛИК

Таъкидланганидек, аҳоли турмуш тарзи, маданияти, урф-одатлари ҳақида энг холис тасаввур, аввало, бозорларда шаклланади. Шу боис юртимизда кейинги йилларда бундай масканларни обод қилиш, сотувчи ҳамда харидорларга қулайлик яратиш борасида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Айни пайтда уюшма тизимида 12 та деҳқон бозори, битта қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори, 2 та ихтисослаштирилган бозор ҳамда 6 та савдо мажмуаси мавжуд бўлса, уларнинг барчаси босқичма-босқич замон талабларига мослаштирилаётир.

(Давоми 3-бетда).

# СИФАТЛИ ВА ТЕЖАМКОР

Замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ана шу жиҳати билан истеъмолчилар эътиборига тушмоқда.



Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ички имконият ҳамда захиралардан оқилона фойдаланиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш асосий вазифа қилиб белгиланган. Ана шу талаб асосида саноат тармоқлари модернизация ва диверсификация қилинаётгани халқаро стандартларга жавоб берадиган, ички ҳамда ташқи бозорда харидоргир бўлган юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини яратаяпти. Қолаверса, кўплаб янги иш ўринлари ташкил этилиб, аҳоли бандлиги таъминланиши, уларнинг даромади ошишида муҳим омил бўлаётир.

Бу борадаги ислоҳотлар Хоразм вилоятида ҳам ўз самарасини бериб,

### ИЗЛАНИШ

муайян ютуқларга эришилмоқда. Ҳудудда 2015 йилда 2,4 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 2012 йилдагига нисбатан 2,1 баравар ўсишга эришилгани, аввалги йилдагига қиёслаганда эса 3,3 карра кўп, яъни 45,7 миллион АҚШ долларилик маҳсулотлар экспорт қилингани бунинг яққол тасдиғидир.

Албатта, бундай юқори натижага эришишда қулай сармоявий муҳит яратилиб, 117 миллиард сўм миқдорида, шу жумладан, 5,5 миллиард сўмлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилгани мустаҳкам пойдевор бўлди. Сабаби, ҳудуд иқтисодиётига киритилаётган маблағлар янги қувватларни ишга тушириш, мавжудлари фаолиятини кенгайтириш орқали саноат салоҳиятини оширишга йўналтирилаяпти.

(Давоми 3-бетда).

# ГРАНТ ШАРТНОМАЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

Тошкентдаги Ўзбекистон — Япония инсон ресурсларини ривожлантириш марказида 1 март куни Япония ҳукуматининг кичик ҳажмдаги ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам дастури доирасида грант шартномалари имзоланди.

### ТАДБИР

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Худоёров, халқ таълими вазири ўринбосари У. Абруев, Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ф. Като ҳамда бошқалар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатлар ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар каби кўплаб соҳалар қаторида молиявий-техникавий йўналишда ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил февраль ойида Японияга расмий ташрифи, Япония Бош вазири Шиндзо Абэнинг 2015 йил октябрь ойида республикамизга расмий ташрифи ўзаро муносабатларга янги суръат бахш этди.

Япония — Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкорларидан. Мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот ҳамда Ўзбекистон ва Япония ўртасида стратегик шерикликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисидаги қўшма баёнот асосида изчил ривожланмоқда.

Япония ҳукумати юртимизда 1995 йилдан буён таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа соҳаларни қамраб олган кичик ҳажмдаги ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам дастурини амалга ошириб келаётир. Ўтган давр мобайнида мазкур дастур доирасида умумий қиймати 23 миллион 380 минг АҚШ долларидан ортиқ 352 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

(Давоми 3-бетда).

# ТАРАҚҚИЁТ ВА МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2015 йил июнь ойида БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг юртимизга амалга оширган расмий ташрифи давомида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик кенг кўламли масалалар муҳокама қилингани, Ўзбекистоннинг мазкур нуфузли ташкилот ҳамда унинг ихтисослаштирилган институт ва агентликлари билан ҳамкорлигини янада тараққий эттиришнинг устувор йўналишлари белгилаб олингани бунга яққол мисолдир.

Барчамизга аёнки, БМТ фаолиятининг асосий мақсадларидан бири жаҳонда инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашга эришишдир. Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг асосий йўналишларидан бири ҳам айнан шу жиҳатга қаратилган. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз инсон ҳуқуқларига оид 70 дан ортиқ халқаро шартномалар иштирокчиси ҳисобланади. Олтита асосий шартнома, жумладан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ана шулар жумласидандир. Ўтган йиллар мобайнида юртимиз томонидан БМТнинг шартномавий қўмиталарига мазкур халқаро ҳужжатларнинг бажарилиши бўйича 30 дан зиёд Миллий маърузалар тақдим этилди ҳамда улар ижобий баҳоланди.

Бундан ташқари, БМТнинг бевосита ташаббуси ва иштирокида республикамизда бир қатор халқаро дастурлар ишлаб чиқилиб, ўндан ортиқ йўналишда ижрога йўналтирилган. Хусусан, ўтган даврда ташкилотнинг бир қатор тузилмалари билан ҳамкорликда 440 дан зиёд лойиҳа амалга оширилди. Айни пайтда етмишдан кўпроқ лойиҳа ҳаётга изчил татбиқ этилаяпти.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ҳамда миллий тараққиётимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, Мингйиллик ривожланиш мақсадлари ва уларни амалга ошириш юзасидан белгиланган устувор вазифаларнинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисидаги маълумот Бош Ассамблея 70-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилгани, албатта, ҳар биримизни ғурурлантиради. Шу билан бирга, бу юртимизда аҳоли фаровонлигини юксалтириш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш борасида олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг халқаро эътирофи, амалий тасдиғидир.

Унда маълум қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамасдан, 2015 йилдаги иқтисодий дастурни изчил ҳаётга татбиқ этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имтиёз ҳамда преференциялар бериш, чуқур тизимли ўзгаришларни амалга ошириш натижасида иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари, шунингдек, унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлашга эришилганига алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳужжатда халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014 — 2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016 — 2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани қайд этилган.

Албатта, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон билан муносабатларга алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Чунки мамлакатимиз тинчлик тарафдори, эзгулик ташаббускори сифатида ушбу халқаро ташкилот билан фаол ҳамкорлик қилар экан, жаҳонда осойишталик, барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Зеро, бундай оқилона сиёсат барчага манфаат келтиради, умумий тараққиётга хизмат қилади.

**Феруза ЭШМАТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси.**



# Баркамол авлод тарбияси

## маҳалла маслаҳатчилари фаолиятида устуворлик касб этади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Семинарда дунёнинг айрим минтақаларида турли қарама-қаршиликлар ҳамда можаролар кучайиб бораётганидан хулоса чиқариб, уларнинг жамиятимизга кириб келишининг олдини олиш, ёшларни ёт ва бузғунчи ғоялардан ҳимоялаш, онгу шуурига Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга эҳтиром туйғуларини чуқур сингдириш, мафкуравий иммунитетини кучайтириш масалалари кенг муҳокама этилди, — дейди Шаҳрисабз туманидаги Наврўз маҳалласи маслаҳатчиси Соҳиба Пардаева. — Албатта, бу зиммамизга янада катта масъулият юклайди. Тадбирда ўз фаолиятимизга бугунги кун талабларидан келиб чиқиб янгича ёндашишимиз, хусусан, ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни спортга кенг жалб қилиш, оила, никоҳ муносабатларини тартибга солишга оид аниқ чора-тадбирлар кўришимиз мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

**Сурхондарё вилояти**да фаолият кўрсатаётган 684 нафар маслаҳатчи томонидан ўтган йили 527 мингга яқин оила, жумладан, 146 мингдан зиёд ёш оиланинг ижтимоий-маънавий муҳити ўрганиб чиқилди. Тиббиёт муассасалари вакиллари билан ҳамкорликда оила қуриш арафасидаги ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича 3085 та тарғибот тадбири ташкил қилинди ҳамда 7195 та ёш оиланинг тиббий кўрикдан ўтишига яқиндан кўмаклашилди.

Семинарда амалга оширилган ушбу ишларни эътироф этиш билан бир қаторда, маслаҳатчилар олдида турган вазифаларга ҳам атрофлича тўхталиб ўтилди.

— Бугунги давр маҳалла маслаҳатчилари ва фаолларидан янада ташаббускорлик, фидойиликни талаб қилади, — дейди Денов туманидаги "Навбаҳор" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Тошбиби Бойматова. — Чунки мустаҳкам иродали, қатъиятли, ўз мустақил фикрига эга ёшларни тарбиялаш ана шу омилларга бевосита боғлиқдир. Шу боис ушбу устувор вазифадан келиб чиқиб, биз маҳалламизда "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлигини тизимли йўлга қўйганмиз. Ёшлар билан учрашувлар, давра суҳбатларини мунтазам ташкил қилаяпмиз. Тиббиёт ходимлари билан ёш оилалар иштирокида уюштирилаётган суҳбатлар ҳам яхши самара бермоқда. Эътиборлиси, тадбир давомида биз, маслаҳатчиларни ўйлантираётган муаммолар мутасаддилар иштирокида ўз ечимини топаётир. Бу каби семинар машғулотлари зиммамиздаги вазифаларни масъулият билан бажаришимизга яқиндан кўмак бериши, шубҳасиз.

**Наманган вилояти**да ўтказилган семинарда таъкидланганидек, 2015 йили маслаҳатчилар томонидан фуқаролар йиғинларида 26 мингга яқин маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Бунда, айниқса, қизларни оилавий турмушга тайёрлаш, уларни касб-ҳунарга йўналтириш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш мақсадида "Оилавий қадриятлар", "Оила ва саломатлик", "Сиз оила бўсағасида", "Оила ва никоҳ муқаддас" мавзуларида таълим муассасалари билан ҳамкорликда уюштирилган 21 мингдан зиёд тарғибот тадбирларининг самараси катта бўлаяпти. Шунингдек, оилалар ўртасида ажралишлар олдини олиш, эрта никоҳнинг салбий оқибатлари тўғрисидаги тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида 800 дан кўпроқ оилалардаги турли низоли ҳолатлар барҳам топишига кўмаклашилди.

— Маҳалламиз хонадонларидаги муҳит билан доимо яқиндан танишиб борамиз, — дейди Наманган шаҳридаги "Илғор" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси Саодат Юсупова. — Оилалар билан тизимли равишда иш олиб борилгани, қолаверса, жамоатчилик асосида фаолият юритувчи комиссиялар билан мустаҳкам алоқа ўрнатганимиз сабабли яхши натижаларга эришаяпмиз. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида улар тўгараклар, спорт тадбирларига кенг жалб қилинаётгани ҳам ўз самарасини бермоқда. Ўқув-семинарида буни янада чуқур англаб, аҳоли, хусусан, ёшлар онгида соғлом мафкуравий иммунитетни янада мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни белгилаб олдик.

Семинарда фуқаролар йиғинларида ташкил этилган яраштириш, вояга етмаганлар, хотин-қизлар билан ишлаш, ёшлар ва спорт, маънавият масалалари бўйича комиссиялар фаолияти самарадорлигини ошириш, ушбу жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорликни кучайтириш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

— Маҳалламизда 510 та оила, жами икки минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди **Бухоро вилояти** Қоракўл туманидаги "Дўрман" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси, "Шуҳрат" медали соҳиби Саломат Комилова. — Фаолиятимиз давомида аҳоли, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратиб келаяпмиз. Айни пайтда маҳалламизда 50 нафар хотин-қиз ҳунармандчилик билан шуғулланиб, рўзғорига фойда келтирмоқда. Шу билан бирга, кўплаб ёшларимиз моҳир ҳунармандларга бириктирилган. Тадбирда биз, маслаҳатчилар жойларда ушбу йўналишларда тўпланган тажрибаларни ҳам атрофлича ўргандик.

Семинарда шу каби қатор йўналишларда бажарилган ишлар муфассал таҳлил қилинди, маслаҳатчиларнинг касб-маҳоратини янги босқичга кўтаришга оид таклифлар, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Навоий шаҳри**даги ўқув-семинарида ютуқлар эътироф этилган ҳолда, маслаҳатчилар олдида турган устувор вазифаларга тўхталиб ўтилди. Машғулотлар пайтида маслаҳатчилар ва йиғинлардаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш, халқимизнинг миллий ҳамда маънавий қадриятлари, маданияти ҳамда урф-одатларига мутлақо зид бўлган ғоялар тарқалишининг олдини олиш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш каби мавзулар бўйича батафсил тушунтиришлар берилди.

— Маҳалламизда "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, маҳалла ёшларини турли ижодий ва спорт тўгаракларига кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз, — дейди Навоий шаҳрининг "Ишонч" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Феруза Ҳасанова. — Мазкур ўқув-семинар фаолиятимизда эътибор қаратишимиз зарур бўлган долзарб масалалар бўйича ўзаро тажриба алмашиш имконини яратди.

Умуман айтганда, маҳалла маслаҳатчилари учун республикамизнинг барча туман ҳамда шаҳарларида ташкил қилинган ўқув-семинарлари барқарорлик ҳамда хавфсизликка таҳдид солаётган турли ёт ва бузғунчи ғояларнинг, ғаразли уринишларнинг мақсадини янада теран англаб, маънавий-маърифий аҳамиятга эга тарғибот ишларини кенгайтиришга, фаолият самарадорлигини юксалтиришга туртки бўлади. Зеро, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, пировардида соғлом ҳамда баркамол авлодни тарбиялаш эзгу мақсадларимиздан биридир.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Қонунларни ижрочиларга етказиш самарадорлигини ошириш — долзарб вазифа

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сенат ялпи мажлиси муҳокамасига киритилган қонунларнинг ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги аҳамиятини ўрганиш, шунингдек, улар кучга киргач, ижрочилар, фуқаролик жамияти институтлари, фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ўртасида тарғибот тадбирлари мунтазам ўтказилмоқда.

Тадбирда интернет ҳамда мобиль электрон қурилмалар орқали қонунларни ижрочилар ва аҳолига ўз вақтида ҳамда ортиқча саъй-ҳаракатларсиз етказилиши муҳимлиги кўрсатиб ўтилди. Бунда ҳукумат порталида қонун ҳужжатлари маълумотлар базасини яратиш ва жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссияларининг ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари юридик хизматларининг қонун ҳужжатларини тегишли ҳудудлардаги ижрочилар ҳамда аҳолига етказиш масалалари бўйича фаолиятини кучайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Қолаверса, ушбу масалани вазирлик ҳамда идоралар, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари даражасида бугунги кун талабларини, шунингдек, хорижий давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўрганиб чиқиш, қонунларни ижрочилар ва аҳолига етказиш амалиётини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш масалаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш лозимлиги қайд этилди. Бунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари иштирокчилар диққат-эътиборида бўлди.

Давра суҳбатида тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Қобил ХИДИРОВ.**

# ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

## йўловчи ва ҳайдовчилар хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади

Мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доимий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, соҳага тааллуқли ҳуқуқий ҳужжатлар, мавжуд тартиб-қоидалар давр талабидан келиб чиққан ҳолда, такомиллаштириб борилаётгани йўл-транспорт ҳодисаларининг камайишида, пировардида инсон саломатлиги ва ҳаётини сақлашда муҳим омил бўлаётир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан, жорий йилнинг 1 мартидан бошлаб янги таҳрирдаги Йўл ҳаракати қоидалари амалга киритилди. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи, полковник Холматжон САЙДАЛИЕВ мухбиримизга ундаги муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар хусусида қуйидагиларни сўзлаб берди:

### ҚАРОР ВА ИЖРО

— Маълумки, ҳаракат хавфсизлиги самарадорлигини юксалтиришда Йўл ҳаракати қоидаларининг ўрни беқиёсдир. Шу сабабли қоидалар доимий ва узлуксиз, маҳаллий шарт-шароит, соҳада орттирилган тажрибалар асосида такомиллаштириб борилади. Янги қабул қилинган Йўл ҳаракати қоидалари ҳам мазкур мақсадларни кўзда тутган ҳолда тайёрланган бўлиб, унга 15 та қўшимча киритилган. Бундан ташқари, бир қанча ўзгаришлар амалга оширилди. Айрим атамалар ҳамда тушунчалар янада ойдинлаштирилди. Масалан, аввалги Йўл ҳаракати қоидалари (ЙҲҚ)да "автопоезд" деган сўз кўп эслатиб ўтилган. Унинг таниқлик белгиси ҳам бор. Шу сабабли унинг умумий қисмига "автопоезд" атамаси киритилиб, тушунчаси ёритиб берилди. Унга тортувчи автомобиль ва ярим-тиркама ёки автомобиль прицеп(лар)ининг қўшилган таркиби кириши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, олдинги қоидаларда "мотоцикл" атамасига "кажавали ёки кажавасиз икки ғилдиракли механик транспорт воситаси. Юкланадиган ҳолатдаги вазни 400 килограммдан ошмайдиган уч ғилдиракли механик транспорт воситалари ҳам мотоциклларга тенглаштирилади", дея берилган изоҳ бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бера олмай қолди. Чунки эндиликда техника тараққиёти натижасида автомобиль йўлларида "мотоцикл" атамаси билан аталмайдиган, аммо айнан шу туркумга мансуб бўлган икки, уч ва тўрт ғилдиракли механик воситалар, яъни замонавий квадроцикллар, скутер ва электр скутерлар кўпайиб бормоқда. Ўз-ўзидан равшанки, улар томонидан ҳам йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳолатлари учрайди. Шу боис "мотоцикл" тушунчаси кенгайтирилиб, двигатель иш ҳажми 50 $см^3$ дан юқори, тезлиги соатига 50 километрдан ортиқ скутер, электр скутер ҳамда квадроцикллар мазкур атамага киритилди. Эндиликда санаб ўтилган транспорт воситалари ҳам мотоцикл сифатида рўйхатга олинади ва уларга давлат рақам белгилари ажратилади. Бундай турдаги транспорт воситасини бошқарадиган ҳайдовчилар "А" тоифадаги ҳуқуқни берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлишлари шарт. Ваҳолонки, шу пайтгача жорий транспорт воситаларини давлат рақам белгисисиз ва ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бошқариш мумкин эди.

Юқорида қайд этганимиздек, аввалги Йўл ҳаракати қоидаларида баъзи бир иборалар ўзининг тўлиқ ифодасини топмаганди. "Йўл марзаси", яъни йўл ёқаси бунга мисол бўлади. Мазкур ибора қоидаларда кўп учрайди. Аммо у атамалар бобида кўрсатилмаган. Шундан уни ҳар ким ўзича тушунар эди. Янги қоидада бу камчилик бартараф этилди. "Йўл марзаси — ҳаракатланиш бўлаги билан бир сатҳда жойлашган бўлиб, ундан йўлнинг ўртасида чизилган (1.1) чизиқ билан ажратилган ёки бошқа қоплама ётқизилган, транспорт ҳаракати, тўхташи, тўхтаб туриши учун мўжалланган йўл элементи", деб белгилаб қўйилди.

Албатта, транспорт воситаларида ташилаётган йўловчилар, айниқса, болалар хавфсизлигини таъминлаш ниҳоятда масъулиятлидир. Шу боис янги таҳрирдаги Йўл ҳаракати қоидаларидан "Болалар гуруҳини ташкилий ташиш" атамаси ҳам ўрин олди. Унга кўра, саккиз нафар ва ундан ортиқ болаларни автобусда ташиш (йўналишли транспорт воситалари бундан мустасно) болаларни ташкилий ташишга киради. Ўйлаймизки, мазкур тушунча ўғил-қизларни ташиш ишларини ташкиллаштираётган мактаб ҳамда мактабгача таълим муассасалари, коллежлар, лицейлар, Меҳрибонлик уйлари раҳбарлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Йўл ҳаракати қоидаларини диққат билан ўқиганлар билишадики, унда "ҳақиқий вазн" ибораси кўп учрайди. Бу, асосан, транспортга оид меъёрлар ва давлат стандартларида қўлланилади. Шунинг учун қоидаларга транспорт воситасининг ҳақиқий вазнини (факт бўйича) белгилаш



мақсадида "ҳақиқий вазн" атамаси киритилди. Демак, "ҳақиқий вазн" деганда биз транспорт воситасининг юки, ҳайдовчиси ва йўловчиси билан биргаликдаги вазнини тушунамиз. Бу йўлларнинг оғирлик кўтариш имкониятига қараб транспорт воситаларининг йўналишларини белгилашда муҳимдир.

Бундан ташқари, кейинги йилларда йўл-патруль хизмати фаолиятида йўл ҳаракати доирасидаги ҳуқуқбузарликларни автоматик тарзда аниқлаш амалиёти кенг қўлланилаётгани барчамизга яхши маълум. Пировардида "фото ва видео қайд этиш" ибораси йўл ҳаракати қоидасида ўз аксини топиб, маъмурий ҳужжатларда ифодаланмоқда.

Шу билан бирга, ҳайдовчиларни огоҳлантириш учун "фото ва видео қайд этиш" ахборот-ишора белгиси ҳам жорий қилинди. Киритилган бу янгиликнинг долзарблиги Тошкент шаҳрида йўл ҳаракати хавфсизлигини компьютерлаштирилган бошқарув тизими ишга туширилиши билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Ҳозир бу янгилик он-лайн тизимида фаолият юритаяпти.

Янги таҳрирдаги Йўл ҳаракати қоидаларида ҳайдовчиларга бир қатор муҳим мажбуриятлар ҳам юклатилган. Мисол учун, эндиликда ҳайдовчи ҳаракатни бошлашдан олдин йўловчиларни ҳаракат вақтида танани (қўлни чиқариш бунга кирмайди) автомобиль салонидан ташқарига чиқариш мумкин эмаслиги ҳақида огоҳлантириши шарт.

Хавфсизликни таъминлаш мақсадида киритилган янгиликлардан яна бири — қоронғида, айниқса, ёритилмаган жойларда транспорт воситаси носозлик туфайли тўхтаб қолса, ҳайдовчи машинасини таъмирлаш билан банд бўлганда, нур қайтарувчи махсус нимчаларни кийиб олиш мажбурияти юклатилганидир. Бундан буёғига ҳар бир транспорт воситасида тиббиёт қутичаси, ёнғин ўчиргич, мажбурий тўхтаганни билдирувчи белги билан биргаликда нур қайтарувчи махсус нимчалар ҳам бўлиши лозим. Бу ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашда жуда катта аҳамиятга эга.

Сўнгги вақтларда кўпчиликни ташвишлантираётган, йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқараётган, умуман, ҳаракатланиш хавфсизлигига жиддий рахна солаётган яна бир муаммо бор эди. Гап йўлда ҳаракатланаётган пиёдаларнинг мобиль телефондан, планшетлардан фойдаланишлари, қулоқларига турли мосламаларни тақиб олиб гаплашишлари, мусиқа эшитиши ва ҳатто кино кўришлари ҳақида кетмоқда. Бу салбий ҳолат, айниқса, мактаб, лицей ҳамда коллеж ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари орасида кўп учрайди. Шу каби ҳолатларни инобатга олган ҳолда тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларининг 19-бандида пиёдаларга йўлда юрганда, пиёдалар учун ажратилган жойлардан ўтаётганда, хаёлни чалғитувчи нарсалардан, жумладан, телефон, планшетлардан фойдаланиш, видео кўриш, газета, журнал ва китоб ўқиш ман этилди.

Янги таҳрирдаги Йўл ҳаракати қоидаларида тезлик масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу бежиз эмас. Чунки белгиланган тезлик талаблари бузилиши оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқариши мумкин. Масаланинг мана шу томонлари ҳамда тегишли мутахассисларнинг мулоҳазалари инобатга олинган ҳолда, тураржой даҳаларида транспорт ҳаракатини тартибга солиб, кўп қаватли уйлар орасида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш учун юқори тезлик соатига 30 километр қилиб белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, худди шу банд билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ДЙҲХХ билан келишган ҳолда, агар йўлнинг ҳолати тезликни оширишга имкон яратса, айрим жойларда ёки йўл бўлакларида баъзи транспорт воситаларига белгиланган тезликни ошириш учун рухсат этиш ваколати берилди.

Транспорт воситалари куннинг ёруғ вақтида ҳам чироқларини ёқиб юрса, кўпчиликнинг эътиборини тортади. Янги таҳрирдаги қоидаларда шу жиҳат ҳам инобатга олиниб, ташкилий равишда одам олиб кетаётган, йўловчиларни ташиётган автобуслар, микроавтобуслар, шунингдек, мотоцикл ва мопедлар хавфсизликни таъминлаш чораларини кучайтириш учун куннинг ёруғ пайтида ҳаракатланаётганда ҳам яқинни ёритувчи чироқларини ёқиб юришлари шарт, деб белгиланди.

Бундан ташқари, ЙҲҚнинг транспорт воситалари бошқарувчиларининг ёшини белгиловчи 149-банди ҳайдовчиларни тайёрлаш тўғрисидаги Низом талабларига мос равишда янги таҳрирда берилди. Демак, қоидаларга асосан, "А" тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга ўқиётганлар ўқишни битириш вақтида камида 16 ёшда, "В" ва "С" тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга ўқиётганлар ўқишни битириш вақтида камида 18 ёшда, "D" ва трамвай, троллейбусни бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга ўқиётганлар ўқишни битириш вақтида камида 21 ёшда бўлиши керак.

Шунингдек, юқорида таъкидлаганимиздек, ЙҲҚнинг 1-иловасидаги ахборот-ишора белгилари банди "Фото ва видео қайд этиш" (5.41) йўл белгиси билан тўлдирилди. Унинг 7.19-бандида ушбу белги ҳаракат иштирокчиларининг ҳолати техник воситалар орқали видео-фото тасвирга туширилиб қайд этилаётганлигини билдириши, бу белги огоҳлантирувчи, имтиёз, тақиқловчи, буюрувчи ва ахборот-ишора белгилари билан бирга қўлланилиши кўрсатиб ўтилди.

Умуман олганда, янги қабул қилинган қоидалар, аввало, ҳаракат иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган. Унинг талабларини сўзсиз бажариш эса аҳоли саломатлиги ва ҳаёти муҳофазасини кучайтиришга хизмат қилади.

**«Халқ сўзи» мухбири Дилшод УЛУҒМУРОДОВ ёзиб олди.**

# Муҳаббат ва ҳаёт куйчиси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимизнинг 1999 йил 10 июнда қабул қилинган Фармони асосида мамлакатимизда Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши адабиёт, фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида изланаётган, фаол, фидойи, ташаббускор ҳамда иқтидорли қизларни кашф қилишда муҳим аҳамиятга эга. Йилдан-йилга ушбу мукофотга муносиб, деб топилаётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бораётгани қувонарлидир. Бу эса, ўз навбатида, баркамол авлод вакилларининг қалбида Ватан равнақига муносиб ҳисса қўшиш истаги жўш ураётганини англатади.

— Болалигимдан спортнинг синхрон сузиш тури билан мунтазам шуғулланиб келаман, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Хуршида Ҳакимова. — Шу пайтгача мамлакатимиз ва хориж давлатларида ўтказилган нуфузли мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритдим. Ҳали олдинда йирик турнирлар кўп. Албатта, билдирилган ишончни оқлашга, азиз Ватанимизнинг муносиб фарзанди бўлишга астойдил интиламан.

Тадбирда шоира ижодидан намуналар ўқилди. Таниқли хонандалар, ёш ижрочилар томонидан дилтортар куй-қўшиқлар янгради.

Иштирокчилар Зулфия ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Шу куни Ўзбекистон Миллий университетида ҳам “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Зулфия таваллудига бағишлаб видеоконференция ўтказди.

Юртимиздаги барча олий ўқув юртлари он-лайн тарзда қатнашган тадбирда атоқли ижодкорнинг бой мероси миллий маънавиятимизни юксалтириш, ёшларни комил шахс сифатида тарбиялашда муҳим ўрин тутиши эътироф этилди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ГРАНТ ШАРТНОМАЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Навбатдаги грант шартномалари умумий қиймати 566 минг доллардан зиёд 11 лойиҳадан иборат. Унга кўра, мамлакатимиздаги бир қатор таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилган. Жумладан, Тошкент шаҳридаги имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган ёрдамчи мактаб, Бухоро шаҳри, Андижон, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва умумтаълим мактаблари, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги Меҳрибонлик уйи, Самарқанд шаҳридаги мактабгача таълим муассасаси, Сурхондарё вилояти Сариосиё туманитиббиёт бирлашмаси, Тошкент вилояти Паркент туманидаги «Номданак» қишлоқ врачлик пункти ҳамда мазкур вилоятдаги ногиронларни реабилитация қилиш марказини ўқув ва тиббий асбоб-ускуналар, мебель жиҳозлари билан таъминлаш режалаштирилган.

— Жорий йилда амалга ошириладиган мазкур лойиҳаларнинг мақсад ҳамда вазифалари «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳиятига тўла мос келиши билан аҳамиятлидир, — деди Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фумихико Като. — Бундай лойиҳалар мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— Тақдим этилган грант маблағлари эвазига муассасамизни замонавий мебель жиҳозлари ва компьютер техникаси билан таъминлашни режалаштирганмиз, — деди Самарқанд шаҳридаги 20-мактабгача таълим муассасаси раҳбари Жамила Жомназарова. — Бу каби лойиҳалар ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук, баркамол инсон этиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшади.

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг амалий ифодаси бўлган бундай лойиҳалар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш баробарида, мамлакатларимиз ўртасидаги фаол ҳамда серқирра муносабатларни янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# СИФАТЛИ ВА ТЕЖАМКОР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ана шу жиҳати билан истеъмолчилар эътиборига тушмоқда.

Қўшкўпир туманидаги “Қўшкўпир агро инвест” масъулияти чекланган жамияти фаолияти тизимда рўй бераётган ижобий ўзгаришларга мисол бўла олади. Ўтган йили иш бошлаган мазкур корхонада замонавий технологиялар асосида импорт ўрнини босувчи, экологик хавфсиз ва тежамкор диодли ёруғлик лампалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Бу ерда меҳнат қилаётганларнинг аксарияти ёшлардир. Интилувчан, ғайрат-шижоатли йигит-қизлар меҳнати билан 2015 йилнинг ўзида 3 вольтдан 12 вольтгача бўлган 1 миллион дона ёруғлик лампаси тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

Таъкидлаш керакки, корхона маҳсулотларига талаб кун сайин ортмоқда. Чунки улар анъанавий лампаларга нисбатан 10 — 20 мартагача кам энергия сарфлайди, қолаверса, фойдаланиш муддати узоқ — 30 йил. Шу маънода, у нафақат электр энергиясини, балки истеъмолчи маблағини ҳам тежайди.

— Ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини оширишў, маҳсулот таннархини янада арзонлаштиришга алоҳида эътибор қаратаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Жасур Аҳмедов. — Шу боис буюртмалар кўпайиб, даромадимиз ҳам ортмоқда. Айни пайтда маҳсулотимиздан аҳоли хонадонларидан ташқари, халқ хўжалигининг барча тармоғида кенг фойдаланилаяпти. Келгусида кўча ва сайилгоҳлар учун тежамкор лампалар тайёрлашни йўлга қўймоқчимиз.

Жорий йилда корхонанинг тўлиқ қувват билан ишлашига эришиш, жамоа аъзолари сонини 60 нафарга етказиш мўлжалланмоқда. Бу йил давомида 3 миллион дона маҳсулот тайёрланиб, аҳоли ва саноат корхоналарининг экологик хавфсиз ҳамда тежамкор лампаларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш имконияти яратилади, деганидир.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Кўркам қиёфа, қулай инфратузилма

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Уюшма раиси Соҳибжон Неъматуллаевнинг айтишича, сўнгги етти йил мобайнида бозорларни ривожлантириш ва такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шарт-шароитларни янада яхшилаш мақсадида 63,8 миллиард сўмлик қурилиш ҳамда таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Йигирмадан ортиқ янги ускуналар билан жиҳозланган савдо павильонлари ва мажмуалар барпо қилинди.

Мазкур жараён изчил давом эттирилаяпти. Жорий йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори, “Авиасозлар”, “Наврўз”, “Сергели”, “Юнусобод”, “Олой” ва “Миробод” деҳқон бозорларида бунёдкорлик ишлари бажарилади. Хусусан, “Олой” бозори павильонлари таъмирланса, “Миробод” бозорининг ташқи кўриниши бугунги кун талабларига мослаштирилади. Ушбу йўналишдаги барча қурилиш-таъмирлаш тадбирларига жами 52 миллиард сўм миқдорида маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Бу саъй-ҳаракатлар пировардида сотувчи ва харидорлар учун бирдек қулайлик яратиши баробарида, савдо маданияти янада юксалишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Д. ЖУМАБОЕВ.**

**XALQ BANKI**

*КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!*

**Акциядорлик тижорат Халқ банки**

**тендер савдоларини ташкил этувчи ташкилотларни аниқлаш бўйича танлов эълон қилади.**

1. Танловда тендер савдоларини ўтказиш бўйича тегишли лицензияга эга бўлган маҳаллий фирма ва ташкилотлар қатнашишлари мумкин.
2. Танлов комиссияси ишчи органи манзили ва телефони: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 3-уй.
Телефонлар: (+99871) 120-17-48, 120-17-49.
E-mail: marketing@xb.uz
3. Танлов мақсади — тендер савдоларини ташкил этувчи ташкилотни танлаш.
4. Тендер савдолари ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни www.xb.uz сайтидан, шунингдек, душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали олиш мумкин.
5. Тижорат таклифлари 2016 йил 16 март куни соат 17.00 га қадар қабул қилинади.
6. Тижорат таклифлари танлов шартларига жавоб бермаган тақдирда, ушбу ташкилотлар мазкур танловда иштирок этмайди.

Хизматлар лицензияланган.

371R/120

ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**«ЎЗДАВЭНЕРГОНАЗОРАТ» ИНСПЕКЦИЯСИ**

**Тадбиркорларнинг мавжуд муаммолари тўғрисидаги мурожаатларини қабул қилиш, уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари муҳофаза этилишини таъминлаш бўйича «Ишонч телефонлари» ва «Очиқ эшиклар куни» ҳақида**
**МАЪЛУМОТ**

| «Очиқ эшиклар куни» ўтказиладиган манзил* | «Ишонч телефонлари»** |
|---|---|
| «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси марказий аппарати, 100000, Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси, 6-уй. | (0-371) 233-02-86 |
| Тошкент шаҳар бўлими, 100000, Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 6-уй. | (0-371) 233-29-77 |
| Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими, 230100, Нукус шаҳри, Ерназар Олагўз кўчаси, 1-уй. | (0-361) 224-20-89 |
| Андижон ҳудудий бўлими, 170100, Андижон шаҳри, Алишер Навоий шоҳкўчаси, 8-уй. | (0-374) 223-49-72 |
| Бухоро ҳудудий бўлими, 200113, Бухоро шаҳри, Саноатчилар кўчаси, 2-уй. | (0-365) 225-72-55 |
| Жиззах ҳудудий бўлими, 130100, Жиззах шаҳри, Садовая кўчаси, 60-уй. | (0-372) 222-37-65 |
| Навоий ҳудудий бўлими, 210600, Кармана шаҳри, Р. Қамбаров кўчаси, 5-уй. | (0-436) 224-04-96 |
| Наманган ҳудудий бўлими, 160108, Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 10-уй. | (0-369) 227-79-84 |
| Самарқанд ҳудудий бўлими, 140458, Самарқанд шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси, 7-уй. | (0-366) 222-56-76 |
| Сирдарё ҳудудий бўлими, 120100, Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 64-уй. | (0-367) 225-12-60 |
| Сурхондарё ҳудудий бўлими, 190100, Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 10-уй. | (0-376) 224-25-91 |
| Тошкент ҳудудий бўлими, 100000, Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 42-уй. | (0-371) 233-36-95 |
| Фарғона ҳудудий бўлими, 150100, Фарғона шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй. | (0-373) 244-14-73 |
| Хоразм ҳудудий бўлими, 220100, Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 38-уй. | (0-362) 227-11-60 |
| Қашқадарё ҳудудий бўлими, 180117, Қарши шаҳри, Туркистон кўчаси, 58-уй. | (0-375) 221-12-70 |

* Ушбу манзиллар бўйича ҳар ойнинг биринчи сешанба кунида «Очиқ эшиклар куни» ўтказилади.
** «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат қилган шахс тўғрисидаги маълумотларнинг сир сақланиши кафолатланади.

359A/153

**XALQ BANKI**

*КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!*

**Акциядорлик тижорат Халқ банки**

**SMS-хабарнома хизматини кўрсатувчи контент провайдерлар ўртасида танлов эълон қилади.**

Танлов савдоларида хорижий ва маҳаллий фирмалар, ташкилотлар, шунингдек, таклиф этилаётган хизматларни кўрсатувчи ва/ёки уларнинг авторизациясига эга бўлган ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

1. Тендер комиссияси ишчи органи манзили ва телефони: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 3-уй.
Телефонлар: (+99871) 120-17-81, 120-17-49.
www.xb.uz
e-mail: marketing@xb.uz
2. Танлов савдоси предмети: «Халқ банки мижозларига SMS-хабарнома хизматини кўрсатиш».
3. Танлов савдолари ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали ёки www.xb.uz сайтидан олиш мумкин.
4. Тижорат таклифлари (нархлари бўйича алоҳида конвертда, техник талаблар бўйича алоҳида конвертда корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим) 2016 йил 16 март куни Тошкент вақти билан соат 17.00 га қадар қабул қилинади.

Хизматлар лицензияланган.

368R/120

**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси**

**юридик ассистанс хизматлар кўрсатиш бўйича аутсорсинг танловини эълон қилади:**

**Юридик ассистанс хизмати кўрсатувчилар учун белгиланган шартлар:**
- юридик хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи тегишли лицензияга эга бўлиш;
- фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида регресс ҳуқуқини амалга ошириш бўйича 5 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлиш;
- ташкилот штат жадвалида 2 та юрист лавозими ўрнига эга бўлиш;
- республиканинг барча ҳудудида регресс ҳуқуқини амалга ошириш имкониятига эга бўлиш.

**Танлов шартларини тасдиқловчи ҳужжатлар ва хизматлар нархи бўйича таклифлар 2016 йил 20 мартга қадар Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уйда қабул қилинади. Маълумот учун тел./факс: (0-371) 239-42-34. Веб-сайт: www.tkj.uz**

357A/158

**«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

1. Аукцион савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан 2015 йил 11 сентябрдаги суд ҳукмига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Туркистон» ҚФЙ, М. Ортиқов кўчаси, 50-уйда жойлашган, ер майдони 814,0 кв.м. бўлган тураржой такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 187 500 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 17 март куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

2. Аукцион савдосига Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 2015 йил 17 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Ўртасарой» ҚФЙда жойлашган, ер майдони 264,0 кв.м., умумий майдони 135,54 кв.м., фойдаланиш майдони 181,88 кв.м. бўлган нотураржой биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 236 468 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 5 апрель куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 17 март куни ўтказиладиган савдо учун — 2016 йил 15 март куни, 2016 йил 5 апрель куни ўтказиладиган савдо учун — 2016 йил 1 апрель куни соат 16.00.

Талабгорлар аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.**

363R/24

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2016 йил 4 апрель куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Ургут тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. ФИБ Тайлоқ туманлараро судининг 2015 йил 6 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Ургут тумани, «Мирзақишлоқ» ҚФЙ, «Камангарونча» МФЙда жойлашган, умумий майдони 4346,01 кв.м. бўлган молхона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 1 085 000 000 сўм.***

2. ФИБ Тайлоқ туманлараро судининг 2015 йил 23 октябрдаги 1-3688-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ургут шаҳри, «Боғишамол» МФЙ, «Ургут — Қоратепа» йўлида жойлашган, умумий майдони 476,18 кв.м. бўлган бир қаватли ошхона ва айвон.

***Бошланғич баҳоси — 438 000 000 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 3-қават.**
**Телефон: (0-366) 234-06-38.**

Хизматлар лицензияланган.

364R/34

Республика Маънавият тарғибот маркази жамоаси Наманган вилояти бўлими раҳбари Сайфиддин Муҳиддиновга отаси

**Хайриддин**
**МУҲИДДИНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти жамоаси Назарий қурилиш механикаси кафедрасининг собиқ мудири, профессор, техника фанлари доктори

**Қудрат ЛАТИПОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази жамоаси бош шифокор Равшан Шукуровга отаси

**Тўлқин**
**ШУКУРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент кимё-технология институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси Озиқ-овқат хавфсизлиги кафедраси доценти Умид Аҳроровга турмуш ўртоғи

**Рихси АҲРОРОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

СУРУР

*Юртимизга баҳор кириб келди. Борлиқ уйғониб, ўзгача ороланаяпти. Бу ўзгариш одамларнинг руҳиятига ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди, албатта. Қалбларда шодлик, кўнгилларда кўклам васфи. Буни кексаю ёшнинг юз-кўзида зуҳр этиб турган нашъу наводан ҳам илғаш қийин эмас. Зотан, яшариш ва янгиланиш фаслида инсон ўзини табиат билан узвий боғланганини, унинг ажралмас бир қисми эканини теранроқ ҳис эта бошлайди. Шу боис кўклам палласида кишилар қалбида эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби олижаноб туйғулар янада жўш уради.*

*Ўлкамизда бу йил баҳор файзли бошланаяпти. Ҳозирданоқ дала-даштни ям-яшил “гилам” қоплаган. Ҳадемай, унга қоқигулу чучмомалар ажиб тасвирлар битса, боғларга файзу барака киради. Бодом, ўрик, олма, олча каби мевали дарахтлар ғуж-ғуж гуллаб, ажиб бир гўзаллик намоён бўлади. Деҳқонлар экин-тикин ишларига киришади, чорвадорлар сурувларини қиру адирларга ҳайдайди.*

*“Онажоним — табиат” саҳифасида юртимиз боғ-чорбоғларида юз бераётган ана шундай янгиланишлар, унинг неъматларини кўз қорачиғидек асраш, келгуси авлодга безавол етказиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар самаралари ҳақида сўз юритилади.*



# Онажоним — табиат

## «ҚИЗИЛ КИТОБ» САҲИФАЛАРИДАН

*Табиатда қирғовулларнинг 30 га яқин тури мавжуд. Уларнинг орасида энг гўзали Зарафшон қирғовулидир. Эътиборлиси, бу қушларнинг модаси яшаш жойига мос ҳолда, ҳимоя рангида бўлади. Яъни тусини ўзгартириб туради. Аммо нарлар доимо бир хил кўринишда. Унинг қизил патлари қуёшда товланиб, янада жозиба бағишлайди.*

## Зарафшоннинг чопқир қушлари

Қирғовул ерга уя қуриб, 16 тагача тухум қўяди. Полапонлар тухумни 23-24 кунда ёриб чиқади. Қизиғи, ўша заҳоти она қирғовулга эргашганча донлай бошлайди. Ўт-ўланлар уруғлари, мевалар, ҳашаротлар билан озиқланади. Шу маънода, бу қушлар қишлоқ хўжалиги учун кони фойда.

Қирғовуллар жуда тез югуради. Хавф-хатарни сезган чоғда қисқа масофаларга учади ҳам. Парҳезбоп ва мазали гўшти учун аёвсиз овлангани оқибатида кескин камайиб кетган эди. Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоб”ига киритилиб, алоҳида муҳофаза остига олингач, уларнинг сони барқарорлашди. Айни пайтда 5 мингтага етгани ҳақида маълумотлар бор. Шундан 2 мингга яқини “Зарафшон” қўриқхонаси ҳудудида рўйхатга олинган.

Муассасамизда тўқай экотизимининг ноёб экспонатларидан бири сифатида қирғовул тулуми ва тухуми сақланади. Улар 1932 йилда олиб келинган бўлса-да, табиий ҳолдагидек сақланаяпти.

Бу ерга ташриф буюрувчиларга қирғовулларнинг фойдали жиҳатлари, табиатда тутган ўрни ҳақида муфассал маълумотлар берамиз.

**Худойқул ХОЛМАТОВ,**
**Самарқанд вилояти ўлкашунослик музейи бўлими бошлиғи.**

# Дарадаги мўъжиза булоқ

*Сурхон воҳаси — юртимизнинг мафтункор ҳудудларидан бири. Бу ердаги “табиат обидалари” мақомини олган кўплаб йирик даралар барчани ўзига оҳанрабодек маҳлиё этиб келади. Айниқса, “Хўжаипок” дарасига келувчиларнинг қадами узилмайди. У Ҳисор тоғларининг ғарбий биқинида виқор тўкиб турган тизманинг шарқий этагида жойлашган.*

## ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ

Даранинг энг юқори қисми денгиз сатҳидан 3100 метр баландликдаги тоғдан бошланиб, асосан, қор ва ёмғир сувлари билан тўйинади. Яъни Дуғоба, Қўрғонча, Яккатол тоғларида ёққан ёмғир ҳамда булоқ сувлари жилғаларни ташкил этиб, “Хўжаипок”ка қуйилади. Бундан ташқари, Сурғоб, Шотут, Гумматак, Деҳиболосой, Обизат сингари кичик сойлар ҳам унга қўшилиб, дарани яна кенгайтиради.

“Хўжаипок” дарасининг икки томони арча, бодом, ирғай, олма, олча, писта сингари дарахтлар билан қопланган. Бу ерда қўзиқулоқ, шувоқ, андиз, ковул, отқулоқ, қирқбўғим, тоғялпиз, тоғпиёз каби доривор ўт-ўланлар ўсади. Наботот олами ранг-баранг, ҳавоси мусаффо, ўзани эса серсув бўлишида Бештахта, Ҳовуз, Тангибодом, Зардиқум сингари кичик сой ва жилғалар муҳим аҳамиятга эга.

“Хўжаипок” дараси шу номдаги қишлоқ ҳудудида тугаб, Хўжаипок дарёси бошланади. Унинг узунлиги 91 километрдан иборат бўлиб, Олтинсой тумани орқали оқиб ўтиб, Тентаксой дарёсига, сўнгра Шўрчи туманининг шимолий томонидан Сурхон дарёсига қўшилади.

Табиат ошуфталари дастлаб даранинг қуйи қисмидаги мўъжизани кўришга ошиқишади.

Гап шундаки, бу ерда улкан тоғ қояси бўлиб, унинг тагидаги ғордан катта тезликда сув отилиб чиқади. Оқим бўйлаб чамаси 30 метр юрсангиз, табиатнинг яна бир ноёб туҳфаси — ер остидан фаввoрадек қайнаб чиқаётган булоққа дуч келасиз.

Мутахассисларнинг айтишича, чашма сувларининг ўзани анча чуқурликка тақалади. Бу жойлар турли шифобахш маъданларга бой. Айниқса, жигар, буйрак ва тери касалликларини даволашда қўл келади.

Мустақиллик йилларида ҳудуд табиатини муҳофаза қилиш, унинг неъматларидан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Натижада 1995 йилда ғор атрофида “Хўжаипок ота” оромгоҳи ташкил этилди. Бу ерда одамларнинг соғлиғини тиклаши, мароқли ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган.

Ҳавоси мусаффо, суви малҳам юртимизнинг такрорланмас мўъжизаси бўлган шундай бетакрор масканда яшаш ҳам бир бахт, аслида.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАРАЁН

Тўқайларда бўлганмисиз? Агар бундай табиий ландшафтларга боришга ҳали улгурмаган бўлсангиз, демак, табиат гўзаллигидан етарлича баҳраманд эмас экансиз. Негаки, Ўзбекистонимизнинг йирик дарёлари қирғоқларида тасмадек чўзилиб кетган тўқайзорлар ўзининг гўзал табиати, турфа ўсимликлари, ноёб ҳайвонот олами билан кишини бутунлай мафтун этиб қўяди.

# Саҳро «гўзал»и



Мутахассисларнинг айтишича, бу ерга дастлаб учта хонгули келтирилиб, 8 гектарлик вольер ҳудудга қўйиб юборилган эди. Уларнинг эмин-эркин яшаб, кўпайиши учун зарур чора-тадбирлар кўрилгани боис ушбу ноёб жониворлар сони қисқа давр ичида салкам

**800** бошга етди.

Маълумотларга қараганда, Марказий Осиё тўқайларининг 60 фоизи Амударёнинг қуйи соҳилларида жойлашган. Улар табиий озуқа захирасига бой бўлгани боис ёввойи ҳайвонларнинг кўплаб турига макондир. Бироқ Орол фожиаси қалин чакалакзорлар табиатига зарар кўрсатмай қолмади. Президентимизнинг “Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш” мавзуида бўлиб ўтган халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табригида алоҳида қайд этилганидек, яқин-яқинларгача ўзининг улкан биохилмахиллиги билан машҳур бўлган Оролбўйи минтақасида ўсимликлар ҳамда ёввойи ҳайвонлар тури кескин камайиб бормоқда, жумладан, сут эмизувчиларнинг 12, қушларнинг 26 ва ўсимликларнинг 11 тури буткул йўқ бўлиш хавфи остида турибди.

Юзага келган бундай мураккаб вазият инобатга олиниб, ҳудудда экологик мувозанатни тиклаш, табиий экотизимни мустаҳкамлашга қаратилган кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилинаяпти. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 августдаги қарорига мувофиқ, “Бадай-тўқай” қўриқхонаси негизида Қуйи Амударё давлат биосфера резервати ташкил этилгани бу борада муҳим қадам бўлди.

Гап шундаки, мазкур ҳужжат асосида давлат биосфера резерватининг майдони кенгайтирилиб, 68,7 минг гектарга етказилди. Бу эса Амударё дельтасида табиий тўқай захираларини муҳофаза қилиш, қайта тиклаш ва улардан барқарор фойдаланиш учун янги имкониятлар эшигини очиб берди. Зеро, “чўл маликалари” дея эътироф этиладиган тўқайзорлар ўз бағрида фауна ва флоранинг кўплаб турлари эмин-эркин кўпайиши учун қулай муҳитни юзага келтиради.

— Бугунги кунда Қуйи Амударё давлат биосфера резервати ҳудудида умуртқали жониворларнинг 356 тури, шу жумладан, балиқларнинг 43, судралиб юрувчиларнинг салкам 30, қушларнинг 246, сут эмизувчиларнинг 36 тури рўйхатга олинган бўлса, ўсимликларнинг 419 хили учрайди, — дейди мазкур муассасанинг катта илмий ходими, биология фанлари доктори Светлана Мамбетуллаева. — Уларнинг бир қанчаси Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоб”ига киритилган. Муассасамиз фаолият кўлами кенгайтирилгач, зиммамизга кўплаб вазифалар қўйилди. Уларнинг изчил ижроси таъминланаётгани туфайли ноёб турларни кўпайтиришга эришаяпмиз. Марказий Осиё бўйича энг кўп хонгули, яъни Бухоро буғуси бизнинг резерватимизда парваришланаётгани бунга мисол бўла олади.

Таъкидлаш керакки, биосфера резервати қадимий Буюк Ипак йўли бўйида жойлашгани, унга туташ ҳудудларда кўплаб тарихий-маданий обидалар мавжудлиги экотуризмни ривожлантириш учун қулай имкониятдир. Шундан келиб чиқиб, наботот ва ҳайвонот оламига зарар келтирмаган ҳолда, туризмнинг мазкур турини ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди. Ундан келадиган даромад эса Оролбўйида биохилмахилликни сақлаш каби хайрли ишларга йўналтирилиши мўлжалланганки, бу яқин орада саҳрода сўлим маскан пайдо бўлишидан далолат беради.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Митти «қурувчилар»

*Ҳашаротларнинг энг қадимги туркумларидан бири ҳисобланган термитларнинг ҳаёт тарзи чумолиларникига ўхшаш бўлгани учун, халқ орасида “оқ чумоли”, “қир чумоли” деган ном олган.*

## ҲАЙРАТ

Жамоа ҳосил қилиб яшовчи бу ҳашаротлар тўдасида ўртача 15000 дона термит жамланади. Қизиғи, ҳар бир тўда битта малика, 6-7 та ўринбосари, битта шоҳ, юзлаб навкар, минглаб ишчи ва личинка каби табақалардан таркиб топади. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Қуёшни кўриш бахтидан бебаҳра бу митти мавжудотлар ажойиб қурувчилик “маҳорати”га ҳам эга. Улар қурган уяларни бемалол осмонўпар биноларга қиёслаш мумкин.

Термит уялари шунчалик мустаҳкамки, металл билан урилса ҳам, ҳеч қандай зарар етмайди, аксинча, зарб таъсирида учқун чиқиши мумкин, холос. Аммо бир бўлаги олиниб, гулханга ташланса, зумда ёниб, кул бўлади. Хўш, бундай материални улар қаердан олишади?

Айтиш жоизки, “қурилиш материаллари”ни ишлаб чиқариш термитларда озиқланиш билан боғлиқ. Улар ўсимликхўр мавжудотлар бўлиб, “таомномаси”га туллаш пайтида чиққан пўстлоқлар, ҳашаротларнинг териси, маълум миқдорда оҳак, электр симларининг сиртига ўралган қоплағич ва бошқалар киритилган. Бироқ энг тансиқ таоми ёғочдир.

Дарвоқе, термит уяси ичидаги шароит ҳам мукаммал. Айниқса, архитектураси кишини ҳайратга солади. Бу ерда жониворларни касаллантирмайдиган “шамоллатувчи” тизим мавжуд. Чалкаш камералар ҳисобига ҳаво фойдаланувчиларга етиб келишидан олдин, албатта, юмшайди.

Қисқача айтганда, термитлар “бунёдкорлик техникаси”ни мукаммал эгаллаган ҳашаротдир. Буни улар қурган уяларни кўрганлар борки, тан бермай иложи йўқ.

**Икром АБДУЛЛАЕВ,**
**биология фанлари номзоди, доцент.**
Урганч шаҳри



*Ерқалампир кўп йиллик ўтсимон ўсимлик бўлиб, у зиравор сифатида ишлатилиши ҳаммага маълум. Шифобахшлигини алоҳида қайд этиш лозим.*

# Таъсири олти хил

## ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

Дарҳақиқат, ерқалампир иштаҳа очиш, ичак фаолиятини яхшилаш, пешоб ҳайдаш хусусиятига эга. Гастрит ёки ошқозон кислоталик даражаси пасайган пайтда унинг янги сиқиб олинган шираси тавсия этилади. Шунингдек, танада шиш бўлганида, пешобтош хасталиги, подагра, бод (ревматизм), беланги (радикулит) сингари хасталикларни даволашда ҳам қўл келади.

Ўсимликнинг илдиз дамламаси ёхуд бўтқаси йирингли жароҳатлар, яралар, қулоқ яллиғланишига эм тушади. Ширасини сув билан суюлтириб, томоқ чайилса, оғиз шиллиқ қавати яллиғланиши, муртак безлари шамоллашини бартараф этади.

Зиқнафас (бронхиал астма)ни даволашда ҳам ерқалампир қўлланилади. Бунинг учун ўртача катталикдаги ўсимлик илдизи майдаланиб, унга 100 мл. лимон шарбати аралаштирилади. Ҳосил бўлган қаймоқсимон қуюқ массадан ярим чой қошиқдан нонуштадан 25 дақиқа кейин қабул қилиш тавсия этилади.

Ўткир ва сурункали гастрит, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси, юрак касалликларида ерқалампирни қўллаш мумкин эмас.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ тайёрлади.**

## БИЛАСИЗМИ?

**Туяларнинг кўз қовоғи уч қават бўлиб, бу қум бўронларидан яхши ҳимоя воситаси ҳисобланади.**



Оқ айиқлар тана ҳарорати музлашдан кўра тезроқ исишга мойил.

**Суғур соатига 1200 марта нафас олади, қишлов даврида эса бу кўрсаткич 10 тага тушиб қолади.**

Император пингвинлари сув остида 18 дақиқагача нафас олмасдан сузиб юриши мумкин.

**Денгиз шерлари уч ойгача ҳеч нарса емасдан оч юриши мумкин.**

Типратикан танасида шундай мушак борки, унинг ёрдамида бу жонивор кўз-очиб юмгунча “коптокча”га айланади-қолади.



# Баҳор элчиси

*Инсон вужуди қиш давомида ҳаётбахш моддаларга кўпроқ эҳтиёж сезади. Баҳорнинг илк кунларида табиатимиз инъом қиладиган неъматлар унинг ўрнини тезда қоплаш имконини беради. Ялпиз — шундай қувватбахш гиёҳлардан бири.*

Дарҳақиқат, баҳор элчиси ҳисобланган ялпиз организмнинг иммунитетини ошириб, дармон бағишлайди. Унинг хуш бўйи эса асабларни тинчлантириб, кайфиятни кўтаради.

Кўклам келиши билан офтобрўй жойлар, ариқ, жилға ва сой четларида ялпиз қўшқулоқ бўлиб бўй кўрсата бошлайди. Ундан тайёрланган сомса, чучвара ва суюқ таомлар иштаҳани очиши билан бирга, танани тетиклаштиради. Чунки унинг таркибида кўп миқдорда эфир мойлари ва органик кислоталар мавжуд.

Ялпиз нафақат зиравор, балки кўплаб хасталикларнинг малҳами сифатида алоҳида қадрланади. Абу Али ибн Сино ичак оғриқларини ялпиз ёрдамида даволаган. Шунингдек, у овқат ҳазм қилишни яхшилаш, гижжа ҳайдаш, қон тўхтатиш, қайт қилишни қолдириш хусусиятига эга эканлигини алоҳида таъкидлаган.

Халқ табобатида ялпиздан тайёрланган дамлама тиш оғриғи, милк яллиғланишини даволашда қўлланилади. Бундан ташқари, у бавосил, ширинча, мичал касалликларига шифо бўлиб, ошқозон-ичак йўли фаолиятини яхшилайди ва сафроўт ҳайдаш хусусиятини оширади.

**Доно ХЎЖАЕВА,**
**олий тоифали доришунос.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 367. 140 454 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.35 1 2 3 4 5 6